Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 160 (21. 259) 1992 йил 14 август, жума ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИМИЗ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ КЕЧА ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

● ТАШРИФ УЧ КУН ДАВОМ ЭТАДИ.

● БУ ЕРДА ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН ЎРТАСИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ БИТИМЛАРНИНГ ИМЗОЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги расмий делегацияси 13 август куни Тошкентдан Исломободга жўнаб кетди. Покистон Ислом Республикасига уч кунлик ташриф чоғида телекоммуникациялар, энергетика, ирригация ва сув хўжалиги, транспорт алоқалари соҳасида ҳамкорлик қилишга, шунингдек, сармоя солишни рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга доир ўзаро манфаатли битимларнинг имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Исломободга жўнаб кетиш олдидан Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, Покистон Ислом Республикасига ушбу ташрифнинг муҳимлигини таъкидлади. Мустақил Ўзбекистон Афғонистон, Покистон, Ўрта Осиё республикаларини ўз ичига олган катта минтақада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни вужудга келтириш учун қатъий ҳаракат қилаётганлиги айтилди.

Шу сабабли Тожикистондаги воқеаларни мазкур минтақада, биринчи навбатда Афғонистонда юз бераётган жараёнлардан ажралган ҳолда баҳолаш мумкин эмас. Тинчлик ўрнатишга Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. У қўшнилар билан муносабатларини тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида қуришга тайёрдир. Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият шундайки, ҳеч қандай мамлакат бир ўзи олға томон ҳаракат қила олмайди. Бинобарин, бу хусусда иқтисодий ҳамкорлик масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан алоқаларни ривожлантириш, автомобиль йўллари қуриш зарур. Шу йўл орқали юкларни Ҳинд океани соҳилида жойлашган бандаргоҳларга тезда етказиш мумкин бўлади. Алоқаларни ривожлантириш ва йўллар қуриш учун эса тинчлик ва барқарорлик зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган, Хельсинки битимини имзолаган мустақил Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятни меъёрий изга солиш учун бутун кучини сарфлайди. Шу муносабат билан ҳозир Покистон Ислом Республикасига ташриф алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аэропортда И. А. Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Р. Ражабов, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков кузатиб қолдилар. Кузатиб қўювчилар орасида Покистон Ислом Республикасининг Тошкентдаги муваққат ишлар вакили Захир Жанжуа бор эди.

(ЎзА).

● Карачи Покистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири.

(● Покистон Ислом Республикаси мустақиллигининг 45 йиллигига бағишланган мақолаларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ:

● Мустақиллик кунини нишонлаш Республика жамғармаси ташкил этилди. Банкларда махсус ҳисоб варақалари очилди.

2-БЕТ:

● Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.

3-БЕТ:

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари яна ўн кундан кейин қадимий Шинжонга учади. Урумчигача бўлган 1806 километр масофа 2,5 соатда босиб ўтилади.

4-БЕТ:

● Тижоратнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Унга риоя қилингандагина тижорат халқнинг юкини енгил қилади. Акс ҳолда-чи...

● ИСТИҚЛОЛ ҚУВОНЧИ.
С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ — ҲИНДИСТОНДА

Деҳлидан олинган хабарларга қараганда, Ҳиндистонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегациясини 12 август куни парламент раиси Шивраж Патил ва парламент ишлари вазири Ғулом Наби Озод қабул қилдилар.

Ўзбекистонлик Парламент аъзолари делегациясининг ташрифи режаларида Ҳиндистон парламенти депутатлари билан мунозаралар ўтказиш, мамлакат Президенти Шанкар Дайял Шарма ҳузурига бориш, Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан учрашиш кўзда тутилган.

(ЎзА мухбири).

ТЎЙЛАР МУБОРАК, ОҚСОҚОЛ!

Жўра Хоназаровни республикамизда танимаган одам кам десак муболаға бўлмас. Бу ажойиб инсоннинг ҳаёт йўли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Улуғ Ватан уруши арафасида Қорасув район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлган Жўра Хоназаров кейинчалик Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири вазифаларида ҳам ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатди. Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнатлари ҳали кўпчиликнинг ёдида. У раҳбарлик қилган «Пахтаорол», «Ўзбекистон беш йиллиги», Усмон Юсупов номли давлат хўжаликларида илғор тажриба мактаблари яратилди.

Жўра ака мана бир неча йилдирки Қибрай район уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига бошчилик қилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Футбол федерациясининг ҳам узлуксиз раисидир.

(Бу мўътабар оқсоқол ҳақидаги очеркни рўзномамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

• Мустақиллик куни олдидан

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилинадиган кунларда шаҳар ва қишлоқлар ранг-баранг байроқлар, транспарантлар, ҳаво шарлари билан безатилади. Майдонларда ва боғларда, очиқ жойларда театрлаштирилган томошалар кўрсатилади, уларда юзлаб ижодкор жамоалар — театрларнинг артистлари ва ҳаваскорлар иштирок этадилар. Ҳозир республикада халқ сайли бўладиган жойлар созланмоқда ва обод қилинмоқда.

ШОДИЁНА ЖАМҒАРМАСИГА

Байрам тадбирларига тайёргарлик ва уни ўтказиш арзонга тушмайди, албатта. Асосий ҳаражатларни давлат ўз зиммасига олди. Байрам тадбирларини пул билан таъминлашда баҳоли қудрат иштирок этишни хоҳлаганлар учун эса Мустақиллик кунини нишонлаш Республика жамғармаси ташкил этилди. Банкларда махсус ҳисоб варақалари очилди. Валюта учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 7000061 рақамли ва сўм учун Ўзбекистон Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармаси ҳисоб-китоб қилиш марказида 000700702 рақамли ҳисоб варақалари очилган. Уларга турли ташкилотлардан, муассасалардан, корхоналардан, хусусий кишилардан ҳозиргача 400 минг сўмдан кўпроқ пул тушди.

Марказий банкнинг ўзи биринчи бўлиб 50 минг сўм ўтказди. Жамғармага пул ўтказганлар орасида халқаро алоқалар ва телевидение ва ҳудудий ишлаб чиқариш бошқармаси, «Юнитал интернешнл» қўшма корхонаси, қурилиш тижорат банки, Тошкентдаги 27-олий спорт мактаби ва бошқа муассасалар бор. Республика аҳолиси ҳам қараб тургани йўқ. Масалан, тошкентлик югирон Н. И. Будко ўз пенсиясидан шу жамғармага 50 сўм пул ўтказди.

— Афсуски, пулни қаергa ва қандай ўтказишни ҳали кўп одамлар билишмайди, — деди Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов. — Махсус ҳисоб варақаси очилгани ҳақида газеталарда июль ойининг охирида қисқа хабар берилди холос. Жойларда Мустақиллик куни жамғармасига пул қабул қилишмаётгани ҳақида бизга хабарлар келмоқда. Одамлар қўнғироқ қилиб, ёрдам беришни сўрашяпти. Шу сабабли барча вилоятлардаги бошқармаларимизга, шунингдек тижорат банкларининг бўлимларига нақд пулни ва қоғоз орқали ўтказиладиган пулни ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиб, Ўзбекистон Мустақиллиги жамғармасининг ҳисоб варақасига ўтказиш тўғрисида шошилинч телеграмма юбордик.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

● Қамаши районидаги К. Маркс номли совхозда ғалла ўрим-йиғими муваффақиятли тугалланди. 12693 гектар ғалла майдонидаги арпа-буғдой ўриб-янчиб олинди. Ҳар гектар лалми ердан 19 центнердан дон хирмони яратилди.

ОМБОР ТЎЛА ДОН

Давлат хўжалиги омборида режадаги 10460 тонна ўрнига 24 минг тонна арпа-буғдой ғамланди. Шунинг икки минг 100 тоннаси давлатга сотилди. Бу режадагидан уч баравар кўп. Етти минг тонна ғалла республика колхоз ва совхозларини сара уруғ билан таъминлаш учун уруғликка жамғарилди.

Шунингдек, чорва моллари учун 24 минг тонна сомон тўпланди.

— Далаларимизда 56 та ўрим-йиғим комбайни юксак унум билан ишлади, — дейди совхоз директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Р. Омонов. — Натижада ҳар бир агрегат билан ўртача 256 гектардан майдондаги ҳосил тез ва соз ўриб-йиғиб олинди. Ғаллани даладан омборга ташувчи автотранспортчилар ҳам алоҳида ғайрат кўрсатишди. Илғор комбайнчилардан: Қ. Қувватов, Н. Аширов, М. Норбоев, Ж. Овлаев кабилар 350—400 гектардан майдондаги ғаллани ўриб-янчишга киришдилар. Айни пайтда келгуси йил ҳосилига тайёргарлик мақсадида сомони йиғиштириб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲСУЛОТ БЎЛСА — ЧАНГАЛДА ШЎРВА

● Жарқўрғондаги темир-бетон буюмлари заводи ўтган йилнинг охирида металл буюмлар — қувур ва рангли металлар балансларни улгуржи савдо республика бирлашмаси («Узметаллоторг») дан хат олди. Хатда Россиядан хом ашёни — цемент, металлни пулга сотиб олишга эмас, маҳсулотга айирбошлашга тараддуд кўринглар, деган гап бор эди.

Бундан завод раҳбарияти унчалик ташвиш тортмаганди. Завод ўз маҳсулотини истеъмолчига масалан, пиёз, карам, ерёнғоққа айирбош қилади. Бу маҳсулотларни Россияга жўнатиб, хом ашё олади. Шу йўл билан тегирмонни айлантириб туришади.

Бироқ республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги йўллаган мактуб бу хомчўтдан ҳам илинж йўқлигига ишора берди. Хом ашёнинг баракаси йўқлигидан уч сменада муттасил ишлаб турган корхона бир сменали ишга кўчди. Маҳсулотнинг осмонўпар қиммат нархи унга талабгорларнинг қадамига чизиқ тортмоқда. Маҳсулот ўтмай қолиши хавфи туғиляпти. Нима қилмоқ керак? Наҳотки, «Ўзинг учун ўл, етим!» деб ишчиларни бўшатиб юборишдан бўлак чора қолмаган бўлса?!

Завод директори Зокир Рамазонов тегишли одамлар билан кенгашиб, корхона ҳовлисида яхши навли тут кўчати ўтказамиз, бизда жой кўп, келажакда пилла қурти боқамиз, деди.

Кимнингдир, «Пилла етиштириш бир ойлик, нари борса икки ойлик иш-ку», деган эътирозига ҳам директор шошиб қолмади.

— «ИВИ—Термиз» қўшма корхонаси мутасаддилари билан гаплашдим. Югославиянинг бир фирмаси билан заводимизда пилланн дастлабки ишловдан чиқарадиган цех очамиз. Пилла йигиришни ўрганамиз, — деди. — Фақат бу эмас Ўша қўшма корхона ҳамкорлигида мармар тошни ва гранит сайқаллашни йўлга қўямиз, — деган гапи ҳаммага далда бергандай бўлди.

Директорнинг айтишича, ҳозир улар давлатга ёки бошқа бир жамоага оғирликларини солмаслик ташвишини кўраяптилар. 23 гектарли экин майдони бор. Ушандан дурустроқ фойдаланмоқ керак. Заводда халқ эҳтиёжи учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ керак.

— Пул бўлса, чангалда шўрва, деган матал эскирди, — дейди директор ҳазиноқ қулиб, — Чангалингда шўрва турмоғи учун энди маҳсулотнинг бўлсин, ҳунаринг бўлсин, меҳнатга иштиёқинг бўлсин экан.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҳаётидан

ИККИ ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

● Республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётган долзарб паллада Туркманистон Демократик партияси Тошҳовуз вилояти қўмитасининг биринчи котиби Д. Султонов раҳбарлигида партиянинг Тошҳовуз шаҳри, Ленин, Октябрь, Калинин, Кўҳна Урганч районлари ташкилотлари вакиллари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Нукус шаҳрига келдилар.

Шу куни улар Тахнатош шаҳридаги ГРЭС, уйсозлик комбинатида, Нукус шаҳридаги ремонт заводида, Хўжайли районининг бир қатор хўжаликларида ҳам бўлиб, партия аъзоси бўлган ишчи ва мутахассислар, қурувчилар, деҳқонлар билан суҳбатлашдилар, партия ташкилотлари ишлари билан чуқур танишдилар, фикр алмашдилар. Шу куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида партия аппарати ходимлари, шаҳар ва район партия кенгашлари раҳбарлари билан ҳам мулоқотда бўлдилар. Шу муносабат билан бўлган йиғилишда ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби Х. А. Асанов ва бўлим мудири Т. Холлибеков меҳмонларга республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва партия ташкилотларининг вазифалари, партия ички тузилиши, кадрларни ҳисобга олиш ва мафкуравий ишлар ҳақида гапириб бердилар. Туркманистон Демократик партияси Тошҳовуз вилоят қўмитаси биринчи котиби Д. Султонов ҳам Демократик партиянинг ташкилий, молиявий-хўжалик ишлари билан таништирди. Учрашув қатнашчилари бундай тажриба алмашувлар ҳар иккала партия учун фойдали эканлигини таъкидладилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТАКОРЛАР БИЛАН БЕВОСИТА БИТИМЛАР

Ярославль вилоятининг маъмурияти қадимий савдо йўлини қайта тиклашга киришди. Ярославль шу савдо йўлининг гавжум чорраҳасида жойлашган ва ривожланган эди. Бунинг учун маъмурият МДҲдаги республикалар билан бевосита битим тузди. Узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти билан шериклик муносабатларини мустаҳкамлади, деб хабар қилди РАТАТАСС агентлиги.

Вилоятларнинг маъмуриятлари Ўрта Осиёдан Волга дарёси соҳилига, аввало Ярославль тўқимачилик корхоналари учун жуда зарур бўлган пахта карвонлари, шунингдек гўшт, сабзавот, жун ва вино ортилган карвонлар келиши, Ярославлдан эса моторлар, шиналар, нефть маҳсулотлари, ёғоч-тахта юборилиши ҳақида аҳдлашиб олдилар.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Ўзбекистон овози»ни мунтазам ўқиб туришнинг ягона йўли газетага барвақт обуна бўлишдир.

ОБУНА НАРҲИ:

● БИР ЙИЛГА — 384 СУМ.

● ЯРИМ ЙИЛГА — 192 СУМ.

● УЧ ОЙГА — 96 СУМ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Деҳқон хўжалиги

1. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжаликни мустақил тарзда юритувчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан, шу жумладан ўзи эгалик қиладиган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект деҳқон хўжалиги ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик шаклларидан биридир.

2. Хўжалик бошлиғи, унинг хотини (эри), фарзандлари, асранди болалари, ота-онаси, бошқа қариндошуруғлари, шунингдек меҳнат қила олиш ёшига етган, биргаликда деҳқон хўжалиги юритаётган, шу хўжаликдаги иш асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган ўзга шахслар деҳқон хўжалигининг аъзоси ҳисобланадилар. Хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар деҳқон хўжалиги аъзоси ҳисобланмайдилар.

3. Хўжалик бошлиғи давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва айрим шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини ҳимоя қилади.

4. Хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида иш тажрибасига эга бўлган ёки қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўлган ёхуд махсус тайёргарлик кўрган, ишга лаёқатли, соғлом аъзоларидан бири деҳқон хўжалигининг бошлиғи ҳисобланади.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи иш қобилиятини вақтинча йўқотган ёки хўжаликда узоқ муддат бўлолмаган тақдирда ўз вазифасини вақтинча бажариб туриш ваколатини шу жамоа аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигини бир киши юритаётган ҳолларда эса шартнома асосида исталган шахсга беришга ҳақлидир.

5. Деҳқон хўжалиги мулкнинг бошқа шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли мустақил ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

6. Янги барпо этилаётган деҳқон хўжаликлари дастлаб жамоа ва давлат хўжаликлари таркибида шартнома асосида ташкил этилиши мумкин.

2-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар

Деҳқон хўжаликлари тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун билан, «Ер тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади. Қорақалпоғистон Республикасида деҳқон хўжаликларини тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартиба солиб турилади.

3-модда. Деҳқон хўжаликларини тузиш тартиби

1. Деҳқон хўжаликлари заҳира ерларда, республиканинг махсус фондидаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган хўжаликларда ва янги суғориладиган ерларда тузилади. Давлат хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида ҳам деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари жамоа хўжаликларининг ва ўзга кооператив хўжаликларнинг ерларида ушбу хўжаликлар аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан тузилади.

2. Илмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртлари ва ўзга қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқ ҳунартехника билим юртлари ва ўзга корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари учун берилган ерларда ва сув фондига тегишли ерларда деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин эмас.

3. Деҳқон хўжалиги унинг аъзоларининг ноҳия ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади ва ерга мунтазам эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги хусусидаги давлат ҳужжати берилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги ноҳия ҳокими томонидан рўйхатдан ўтгач, юридик шахс мақомига эга бўлади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб счётлари ва ўзга счётларни очиш, ўз номида муҳрга эга бўлиш, ўзга корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар, ажнабий фирмалар ва айрим шахслар билан амалий муносабатларга киришиш ҳуқуқини қўлга киритади.

4. Тегишли ноҳия ҳокими ваколат берган идора ва ҳар бир деҳқон хўжалигининг рўйхат варақаси юритилишини ташкил этади, халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгаши ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобида қайд этади, бу китобга деҳқон хўжалиги таркиби тўғрисидаги, хўжаликнинг бошлиғи ҳамда хўжалик бошлиғи вақтинча йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифаларини бажариб турувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек хўжаликка ажратилган ер участкаси хусусидаги асосий маълумотлар киритилади.

4-модда. Деҳқон хўжаликларининг фаолиятини уйғунлаштириш

Ижроия ҳокимияти идоралари тизимида тармоқ бўлинмалари тузилиб, улар деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда деҳқон хўжаликларининг фаолиятини уйғунлаштирадилар, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, инвестиция, тараққиёт истиқболини олдиндан белгилаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадилар.

II БЎЛИМ. ЕР АЖРАТИШ, ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

5-модда. Деҳқон хўжаликларига ер ажратиш

1. Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш, камида 10 йил муддат билан фойдаланиш учун ёки ижарага ер участкалари ажратилади.

2. Деҳқон хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча ер участкаларини ижарага олиши мумкин.

3. Деҳқон хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

4. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиладиган ер участкасининг саҳни ҳар бир алоҳида ҳолда маҳаллий шароитни (ернинг унумдорлиги, сув билан таъминланганлиги, сув бериш усуллари, жамоа хўжалиги ёки давлат хўжалигидаги меҳнатга лаёқатли ҳар бир шахс ер билан ўртача қай даражада таъминланганлиги, шахсий томорқа хўжаликларини юритиш учун, аҳоли пунктларини кенгайтириш ва бошқа мақсадлар учун қишлоқ хўжалиги майдонларига бўлган талабни ва бошқа ҳолатларни), шунингдек деҳқон хўжалиги қанча кишидан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда ноҳия ҳокими томонидан белгиланади.

5. Ер участкалари деҳқон хўжаликларига одатда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўлган ва дала йўллари ўтказилган яхлит майдондан ажратиб берилади.

6. Деҳқон хўжалиги юритиш истагини билдирган шахслар халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгашига ер ажратиб бериш тўғрисида ариза билан мурожаат этадилар. Аризада сўралаётган ер майдони қаерда жойлашганлиги, унинг саҳни, деҳқон хўжалигининг таркиби кўрсатилади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш дастури тақдим этилади.

7. Халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгаши ер ажратиш тўғрисидаги аризани 15 кунлик муддат ичида қараб чиқади ва аризачининг илтимосини қўллаб-қувватлаган тақдирда ноҳия ҳокимидан ер ажратишни сўрайди, ҳоким ариза берилган кундан бошлаб узоғи билан икки ой муддат ичида деҳқон хўжалиги юритиш учун ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳокимнинг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

8. Деҳқон хўжаликларига ер ажратиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун халқ депутатлари ноҳия Кенгашининг депутатларидан, Деҳқонлар иттифоқи, касаба уюшмаси, сув хўжалиги идоралари ва ер тузувчи хизматлар вакилларидан иборат таркибда ноҳия комиссияси тузилади.

9. Ушбу ҳудудда яшайдиган шахслар ер майдони олишда устун ҳуқуққа эга бўладилар.

10. Ерга доимий эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати деҳқон хўжалигининг бошлиғига ер тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда берилади.

11. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ҳамда қишлоқ аҳоли пунктида уй-жойи бўлган шахсларнинг уйга туташ томорқаси — чек ери сақланиб қолади.

12. Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натура ҳолида ер тузувчи хизматлар томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига белгилаб қўйилади.

13. Деҳқон хўжалигига кириш йўлларини лойиҳалаш ва қуриш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, ерларни мелиорация ишлари эса ягона мавзе таркибида республика бюджети маблағлари ҳисобидан бажарилади. Деҳқон хўжалиги ҳудудидаги гидромелиорация иншоотларини таъмирлаш, тозатиш ишлари ва уларнинг таъминоти шу хўжалик ҳисобидан амалга оширилади.

6-модда. Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши

1. Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва вазифалари «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилади.

2. Деҳқон хўжалигига берилган ер участкаси тақсимланиши мумкин эмас.

Ер участкасининг саҳни ва унинг чегаралари деҳқон хўжалиги раҳбарининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин.

3. Ер участкаси тортиб олинган ёки бошқа шахсга, корхона ёхуд ташкилотга берилган тақдирда деҳқон хўжалиги қонунларга мувофиқ кўрган зарарининг ва қилган сарф-ҳаражатларининг ўрнини қоплатиб олиш ҳуқуқига эга.

Ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига доир низолар суд орқали ҳал этилади.

4. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда ёки меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ёхуд ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига ёки қонунларда белгиланган тартибда ва шартларда ўзга шахсларга берилади.

5. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган ҳолларда унга ажратилган ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги масала ноҳия ҳокими томонидан ҳал этилади.

7-модда. Ер ҳақи

«Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пуллидир.

Ер ҳақи ер солиғи ёки ижара ҳақи тарзида, ер участкасининг сифатига, қаерда жойлашганлигига ва сув билан таъминланганлигига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ҳажмда ундирилади.

Деҳқон хўжаликларига солиқ солиш тартиби, уларнинг ер ҳақи тўловининг ставкаси ва энг кам ҳамда энг кўп миқдорлари давлат жамоа ва ўзга корхоналар ҳамда хўжаликлардан ундириладиган даражага тенг бўлади.

Деҳқон хўжалиги рўйхатга олинган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида ундан ер солиғи олинмайди.

Халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ер ҳақини ундиришда бошқа имтиёзлар ҳам белгилашлари мумкин.

8-модда. Деҳқон хўжалигида сувдан фойдаланиш

1. Деҳқон хўжаликлари учун сув ишлатишнинг лимитлари давлат, жамоа корхоналари бирлашмалари ва ташкилотлари ҳамда айрим шахсларга белгилангани каби ноҳия ҳокими ваколат берган идоралар томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига берилаётган сувнинг сарфланишини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Сув хўжалиги идоралари билан деҳқон хўжаликлари ўртасидаги муносабатларда келиб чиқадиган низолар суд ва ҳакамлик суди томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

9-модда. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолари томонидан деҳқон хўжалигини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари

1. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативларининг хўжалик ёки кооператив таркибидан чиқиб, мустақил деҳқон хўжалиги юритиш истагини билдирган аъзолари кооператив уставига мувофиқ мол-мулк қийматининг ва фойданинг тегишли улушини олишга ҳақлидирлар, бу улуш кооператив аъзосининг меҳнат иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари жамоа хўжалиги ёки кооперативнинг деҳқон хўжалиги тузиш истагида бўлган аъзоларига мол-мулк қийматининг ва фойданинг тегишли улуши ҳисобидан ўзаро келишувга мувофиқ жамоа хўжалигидан чиқаётганларга асосий ва оборот маблағларини берадилар ёки уларни ижарага топширадилар, ёхуд деҳқон хўжалиги банклардан кредит олаётганда кафил бўладилар, ёинки ижара ҳақи ва ссудалардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш сарф-ҳаражатларини улуш суммаси доирасида қоплайдилар. Жамоа хўжалигидан ва бошқа кооператив ташкилотлардан чиқаётганларга мол-мулк қийматининг ёки фойданинг улушини тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

III БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

10-модда. Деҳқон хўжалигининг мулки

1. Деҳқон хўжалиги турар жойлар, хўжалик бинолари, томорқадаги дов-дарахт ва экинлар, маҳсулдор чорва, парранда, қишлоқ хўжалиги техникаси, анжомлар, ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, шунингдек бошқа нарсаларга мулк эгаси бўлишга ҳақлидир.

2. Деҳқон хўжалигининг пул жамғармаларини ҳосил қилиш манбалари:

деҳқон хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағларидан;

маҳсулот реализация қилишдан, иш бажариш, хизмат кўрсатишдан, шунингдек меҳнат фаолиятининг ўзга турларидан келган даромадлардан;

қимматли қоғозлардан келган даромадлардан;

кредитлардан;

бюджетдан қилинган капитал ажратмалар ва дотациялардан;

корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хайрия ва ўзга бадаллари, эҳсонларидан;

қонунларда тақиқланмаган ўзга манбалардан иборат бўлади.

11-модда. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи

1. Деҳқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи давлат ҳимоясида бўлади.

2. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки умумий (пайчилик ёки ҳамкорликдаги) эгалик асосида унинг аъзоларига тегишли бўлади.

3. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишувга мувофиқ амалга оширилади.

4. Деҳқон хўжалигининг аъзолари, башарти бошқа деҳқон хўжалигини тузиш мақсадида унинг таркибидан чиқаётган бўлсалар, у ҳолда деҳқон хўжалигидан чиқаётганларида улушларини натура ҳолида олишга ҳақлидирлар. Бундай пайтда мулкдаги улуш натура ҳолида шундай ажратиладики, фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон хўжалиги ишлаш учун ўзига зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум бўлмайди.

5. Деҳқон хўжалиги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва айрим шахслардан мол-мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ёки вақтинча фойдаланиб туриш учун олиш ҳуқуқига эгадир.

12-модда. Деҳқон хўжалигининг маблағи ва ҳисоб-китоби

Деҳқон хўжалиги пул операцияларини юритиш ва пул маблағларини сақлаш учун банк бўлинмаларида счётлар очиш ҳамда бу маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир. Деҳқон хўжалигининг ҳисоб-китоб счётидан маблағлар фақат хўжаликнинг розилигига биноан ёки суд қарорига кўра чегирилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар нақд пулсиз тартибда ҳам, нақд пул бериш йўли билан ҳам ишлатилади.

IV БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

13-модда. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат

1. Деҳқон хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигидаги ишларни бажаришга ўзга шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигида меҳнат қилиш тўғрисидаги шартномани тузиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланадиган тартибда тасдиқланади.

2. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат тартибини хўжалик бошлиғи белгилайди. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолиятини деҳқон хўжалиги ҳисоб қилиб боради.

3. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига томонларнинг келишувига мувофиқ пул билан ҳам, натура билан ҳам, аммо белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

4. Деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилигига биноан деҳқон хўжалигида шартнома бўйича ишлаётган шахс хўжалик мулкига пул ёки ўзга улуш киритиб, ана шу улушига мутаносиб тарзда хўжалик даромадини тақсимлашда иштирок этишга ҳақлидир.

5. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи ўз хўжалигининг аъзолари учун ва меҳнат шартномаси тузган шахслар учун бехатар меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномасига биноан ишлаётган шахслар қонунларга мувофиқ ижтимоий суғурталаниши ва ижтитимоий жиҳатдан таъминланиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи тегишли касаба уюшмасида ва суғурта идораларида суғурталовчи сифатида рўйхатдан ўтади ва деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун давлат ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган тартибда бадаллар тўлайди.

6. Деҳқон хўжалигида ишланган вақт ижтимоий суғурта юзасидан бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумий ва узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳамда меҳнатларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома тузган шахсларнинг иш стажига оид ёзув меҳнат дафтарчаларига хўжалик бошлиғи томонидан киритилади ва халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгашларининг раислари томонидан тасдиқланади.

7. Ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари тайинлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонунларда белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади. Деҳқон хўжалигининг аъзоларига ва меҳнат шартномасига биноан ишлаётган фуқароларга тайинланган пенсиялар, олаётган маоши (даромади)ни ҳисобга олмаган ҳолда, тўлалигича берилади.

8. Деҳқон хўжалигининг аъзоларига ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатиш хўжаликнинг ўз маблағлари ҳисобига ҳамда ижтимоий истеъмол жамғармалари эвазига таъминланади. Деҳқон хўжаликлар аъзоларининг умумий фойдаланишдаги ижтимоий муассасалар хизматларидан жамоа хўжалиги ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчилари, хизматчилари ва аъзолари билан тенг равишда фойдаланишлари таъминланади.

9. Деҳқон хўжалиги билан меҳнат шартномаси тузган шахслар ўртасидаги меҳнатга оид низолар суд томонидан ҳал этилади.

14-модда. Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

1. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг йўналишини, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмларини мустақил тарзда белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг амалдаги қонунлардаман этилмаган ҳар қандай тури билан шуғулланишга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва реализация қилишга ҳақлидир.

Деҳқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идоралар ҳамда ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, бу хўжаликлар томонидан қонунлар бузилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идораларнинг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлари натижасида, шунингдек бундай идоралар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг деҳқон хўжалиги олдида қонунларда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қопланмоғи керак.

2. Деҳқон хўжалиги бошқа мулк эгалари билан тенг шартларда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

15-модда. Деҳқон хўжалиги томонидан маҳсулотларни реализация қилиш тартиби.

1. Ўзи етиштирган маҳсулотни тасарруф этишдан, шу жумладан уни ўз ихтиёрига кўра истеъмолчиларга сотишдан иборат мутлақ ҳуқуқ деҳқон хўжалигига тегишлидир.

Деҳқон хўжалиги маҳсулот сифатига доир амалдаги нормативлар ва стандартларга, қонунларда белгиланган экологик, санитария ҳамда ўзга меъёрлар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

2. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотга мустақил тарзда нарх қўяди.

3. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотни реализация қилиш учун давлат, кооператив корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлари ва муассасалари билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномаларини тузишга ҳақлидир. Шартномага риоя қилинмаган ёки унинг талаблари бузилган тақдирда томонлар амалдаги қонунларда ёки шартномада белгиланган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотларни экспортга жўнатиш, шунингдек хорижий мижозлар билан ҳисоб-китоб қилиш қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16-модда. Деҳқон хўжаликларининг ҳамкорликдаги фаолияти

Деҳқон хўжаликлари маҳсулот етиштирувчи, уларни харид этувчи, қайта ишловчи ва сотувчи, моддий-техника таъминоти билан, қурилиш, техника, сув хўжалиги, ветеринария, агрохимия хизмати кўрсатиш, маслаҳат бериш ва хизмат кўрсатишнинг ўзга шакллари билан шуғулланувчи кооперативларга, жамиятларга, уюшмаларга, концернларга ва бошқа бирлашмаларга ихтиёрийлик асосида бирлашиши ёки улар таркибига кириши мумкин.

17-модда. Деҳқон хўжалигининг моддий-техника таъминоти

1. Деҳқон хўжалиги давлат ҳамда кооператив корхоналари ва ташкилотларидан, биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда, аҳолидан ўзи учун зарур мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишга ҳақлидир.

2. Деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотларининг шартномада айтилган қисмини давлатга (республика фондига) келишув асосидаги нархларда сотсалар ва давлат буюртмаларини бажарсалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, ёш моллар ва парранда билан, зооветеринария ёрдами, емхашак ва бошқа ресурслар билан давлат корхоналари учун белгиланган тартибда ва нархларда таъминланадилар.

3. Деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ва майший йўналишдаги объектлар йўқ ҳудудда тузилган тақдирда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари унинг дастлабки қулайликларини таъминлаб берадилар: йўлларни, электр узатгич тармоқларини қуриш, сув таъминоти, газлаштириш, телефонлар ўрнатиш, радиолаштириш, ерларни текислаш, ерларни мелиорациялаш ишларини марказлаштирилган тартибда ажратиладиган давлат капитал маблағлари ва молия ресурслари ҳисобидан амалга оширадилар. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, шунингдек ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жойларни тиклашда деҳқон хўжаликларига ёрдам кўрсатадилар.

18-модда. Деҳқон хўжалигидан солиқ олиш

1. Деҳқон хўжалиги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ солиқ тўлайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида деҳқон хўжаликларини солиқ тўлашдан озод этиш ёки солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Деҳқон хўжалигининг даромадлари, хўжалик аъзоларининг ҳамда хўжаликда шартнома асосида ишлаётган шахсларнинг шахсий даромадлари даромадлар тўғрисидаги маълумотнома (декларация)ларда акс эттирилади.

19-модда. Деҳқон хўжалигининг молиявий ва кредит муносабатлари

1. Деҳқон хўжалигига қарашли ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар қурилишига узоқ муддатли кредитлар бериш, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини сотиб олиш ва хўжаликнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлар бериш кредит шартномасига мувофиқ амалга оширилади. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлари ва муассасалари, айрим шахслар деҳқон хўжаликларига тузилган шартномаларга мувофиқ кредитлар беришга ҳақлидирлар.

Деҳқон хўжаликлари уларга хизмат кўрсатиш учун банк муассасалари томонидан тузилган махсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланади.

Ерларни мелиорациялашга, йўллар, кўприклар, газ, электр, иссиқлик тармоқлари, сув қувурлари, коммунал йўналишдаги ўзга объектлар қуриш ишларига қаратиладиган бюджет маблағлари ҳамда деҳқон хўжаликларини пул билан таъминлашнинг манбаи бўлиши мумкин.

2. Деҳқон хўжалиги тузилаётган пайтда, унга ссудалар ва кредитлар берилаётганида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда тўлов қобилиятига эга бўлган ўзга юридик ҳамда жисмоний шахслар, шунингдек ўз мол-мулкини гаровга қўйиб деҳқон хўжаликларининг ўзи ҳам кафил бўлишлари мумкин.

3. Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида ўзига қарашли ва ижарага олган ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари (кўчатлари)ни, кўп йиллик дов-дарахтларни, тайёрланган маҳсулотни, хом ашёни, материалларни нобуд бўлишдан ёки шикастланишдан суғурталайди ва амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва шартларда суғурта тўловларини олади.

20-модда. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиш

Деҳқон хўжалиги ўз ишининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва молия идораларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

21-модда. Деҳқон хўжалигининг жавобгарлиги

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятларига мол-мулки билан жавоб беради, амалдаги қонунларга биноан бу мол-мулки тортиб олиниши мумкин. Давлат деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, деҳқон хўжалиги эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Деҳқон хўжалигининг ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбдор бўлган аъзолари белгиланган тартибда моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Амалдаги қонунларга мувофиқ деҳқон хўжалиги меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар шикастланиш ёки саломатлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

22-модда. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки ва ерини мерос қолдириш

1. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунлари қоидаларига мувофиқ мерос қолдирилади. Хўжаликда фаолиятини давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат пошлинаси тўлашдан озод этиладилар.

2. Ер майдони «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибга мувофиқ мерос қолдирилади.

V БЎЛИМ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

23-модда. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиш асослари

Деҳқон хўжалигининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

хўжалик фаолиятини давом эттиришни истамайдиган хўжаликнинг бирорта аъзоси, меросхўр ёки ўзга шахс қолмаган бўлса;

ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ер майдони берилган муддат тугаган ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имкони бўлмаган тақдирда;

ердан ўзга мақсадларда фойдаланилганда, ер майдонидан самарасиз фойдаланилганда, кадастр баҳоси меъёридан муттасил паст даражада маҳсулот олинган тақдирда;

ерларнинг экологик ҳолати бузилган тақдирда;

ер майдони белгиланган тартибда давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

деҳқон хўжалиги тўлов қобилиятини йўқотган деб эълон қилинганда;

ер солиғи ёки ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаётган бўлса;

башарти, деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошламаган бўлса;

деҳқон хўжаликларининг фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунлар бир неча бор ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилган тақдирда;

шартнома талабларини бузганлиги сабабли ижара шартномаси бекор қилинганда;

деҳқон хўжалиги қайтадан тузилганда.

24-модда. Деҳқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш тартиби

1. Деҳқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор ноҳия ҳокими томонидан қабул қилинади.

2. Деҳқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ низолар суд орқали ҳал этилади.

3. Деҳқон хўжалигидан давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер майдонларини олиб қўйиш — хўжалик ихтиёрига кўра, унга шу ерга тенг ер участкаси ажратилиб, унинг ер майдони кимга берилаётган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот томонидан олиб қўйилаётганларининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш ва ўзга иморатлар қуриб берилгач ҳамда етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда ўрни тўла ҳажмда тўлангач амалга оширилади.

4. Деҳқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг мол-мулки хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш учун, бюджет тўловлари тўлаш, банкларнинг ссудаларини қайтариш ҳамда ўзга қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилиши биланоқ хўжалик аъзоларининг эгалигида бўлган турар жой, томорқа, шунингдек ўзга мол-мулк улар ихтиёрида сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилиб олингунга қадар ушбу Қонунга зид бўлмагани учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатлари қўлланаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига уч ойлик муддат ичида:

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзб

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН:

ИККИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

● 12 август куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг Покистон Ислом Республикаси мустақиллигининг 45 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлди.

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг раиси Н. Ё. Ғоибов очди. «Ўзбекистон—Покистон» жамиятининг раиси академик П. Қ. Ҳабибуллаев маъруза қилди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан сўнг у жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги маърузада ва нутқларда таъкидлаб ўтилди. Бошқа давлатлар қатори Покистон билан ҳам яхши қўшничилик алоқалари ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Республикамиз чегараларидан Покистонгача атиги бир неча юз километр масофа бор, холос. Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги шу республика расмий делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қудратли омил бахш этди. Ана шу таширф чоғида давлатлараро иқтисодий, маданий ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очадиган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Асосий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг қоидалари тўғрисидаги шартномани И. А. Каримов билан Муҳаммад Навоз Шариф имзоладилар.

Иккала республика ўртасида самолётлар қатнай бошлагач, масофа тағин ҳам қисқаргандек бўлди. Тошкент — Карочи — Исломобод авиамаршрути иқтисодий ҳамкорлик учун, шунингдек, сайру саёҳатни ривожлантириш учун янги истиқболлар очади. Покистонга борадиган темир йўл ва автомобиль йўли қурилиши режалаштирилган бўлиб, у ҳамкорлик уфқларини янада кенгайтиради.

«Ўзбекистон — Покистон» жамияти дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда, дейилди йиғилишда. Саноат корхоналари, вазирликлар ва идоралар, колхозлар ва совхозлар, мактаблар шу жамиятнинг жамоа аъзоларидир. Масалан, «Шарқ гули» фабрикаси, республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Покистондаги ишбилармон ҳамкорлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жамиятнинг жамоа аъзоси — 156-мактаб урду тилини чуқур ўқитишга ихтисослашган.

— Мактабимизда тўққиз юз ўқувчи таълим олади, — деди илмий бўлим мудири М. Тўлаганова. — Мен ўзим йигирма йилдан буён шу ерда муаллимлик қиламан. Биз икки давлат ўртасида бир-бирларига ўқувчилар юбориш йўлга қўйилишини истар эдик. Аммо аълочи ўқувчиларнинг Покистонга бориб келишларига ёрдам берадиган ҳомийлар керак. Айни пайтда биз дўст мамлакатнинг ўқувчиларини қабул қилишга тайёрмиз.

Йиғилиш қатнашчилари икки мустақил давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади, деб ишонч билдирдилар.

Йиғилишда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Захир Жанжуа сўзга чиқди.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

МЕҲМОН КЕЛОЛМАГАН ВА КЕЛГАН КУН

Ўзингизни озгина бўлса-да мустақил ва эркин сезганингиз қандай яхши! Дейлик, қаерга, кимникига бормоқчи бўлсангиз — бора олсангиз. Кимни, қачон меҳмонга таклиф этмоқчи бўлсангиз — эта олсангиз. Буни кўриб биров шивир-шивир қилмаса, «Э, бу ўзбек нега анови билан оғиз-бурун ўпишяпти?!» деб таҳликага тушмаса, ён-ва-ринингизда кўзга кўринмас мурватларни бураб, оёқ-қўлингизни боғлаб ташламаса, ташлай олмаса, қандай яхши!

Эсласам, ишонгим келмайди... Тавбалар қиламан. Ахир, бундан бор-йўғи бир ярим-икки йил бурун бўлган эди-ку ўша воқеа. Москвадан ёшлар ташкилотлари қўмитасига қўнғироқ бўлди. Ўрисча талаффузи бузуқроқ ажнабий йигит илтимос қилди: бир гуруҳ покистонлик ёшлар Ўзбекистонни зиёрат қилмоқ ниятида чиққан эдик. Қабул қила оласизларми?

Биз, ходимлар қувондик, албатта. Қандай яхши! ...Одатда бундай тадбирлар жуда тез ва ижобий ҳал этиларди: «Марҳамат, бош устига!!» дейлик, Ангола, Австралия ёки собиқ ГДРдан келган тенгдошларимиз ана шундай илиқ кутиб олинган. «Хушҳаво масканлар»дан жой ҳозирланиб, сархил ноз-неъматлар дастурхонга тортилган. Дабдабали машиналар, сергайрат ва хушбичим йигит-қизлар кечаю кундуз уларнинг хизматида бўлган. Меҳмоннавозлигимизга ҳатто узоқ Африкадан келган хабашлар ҳам таҳсин ўқишган эди.

Аммо бу гал бошқача бўлди. Гўё тўсатдан зилзила юз берди-ю, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Шивир-шивир, тинимсиз қўнғироқлар бошланди. Масъулларнинг боши қотди. Йўқ дейиш ноқулай, хўп дейиш эса...-«Бу гап Москванинг қулоғига етса нима бўлади?..»

Ўйландилар, қайта-қайта маслаҳатлашдилар, хуллас, учинчи ёки тўртинчи куни покистонликларга жавоб бўлди: қабул қила олмаймиз, фалон юмуш билан бандмиз, узр...

Покистонлик ёшлар бу гапга чиппа-чин ишониб қайтиб кетган бўлсалар ажаб эмас. Лекин биз бу раддиянинг замирида нималар ётганини сезган эдик. Яъни меҳмонлар покистонлик... Покистон эса Ислом Республикаси, унинг фуқаролари билан мулоқотда бўлиш — мафкурамизга, дунёқарашимизга путур етиши мумкин. Боз устига, ўзбек ёшлари ҳам мустақиллик, ҳуррият, имон-эътиқод эркинлиги каби эпкинлардан энтикиб қолишса-чи?..

Ёдингиздадир, кечагина матбуот хабар берди: Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири жаноб Навоз Шариф Тошкентга... ишонинг, у киши ростдан ҳам Тошкентга келди. Тантанали суратда кутиб олинди. Талай учрашувлар, суҳбатлар, сайру томошалар, зиёфатлар бўлди. Қувондик: қандай яхши!... Ахир, жондек қўшнимиз, қолаверса, биродаримиз истиқлолимизни қутлаб келади-ю, қувонмаймизми! Лекин бу кимларгадир алам ҳам қилди. Сездик, ўша чанг босган пластинканинг қитирлаб айланишидан: «Ўзбекистоннинг Покистон билан яқинлашуви унинг ислом фундаментализми таъсирига...» Хуллас, ўзингиз билган гап. Бундай «куюнчаклар»га ўрис ароғига ўргангандек ўрганиб ҳам қолдик, тўғрими? Бугунги ваҳиманинг номи — ислом фундаментализми. Илгари Америқо империализми эди.

Тарих саҳнасининг қалин пардалари ортига ўтиб бораётган қайта қуришнинг бизга берган энг катта сабоқларидан бири — шу. «Изм»ларга унча ишонмай қўйдик.

Дунёни ўз кўзимиз билан кўргимиз, яхши-ёмонни ўз ақлимиз билан фарқлагимиз келяпти: қандай яхши!..

Энди ҳаммага тенг қарашимиз — Австралия даштларида кенгуру қувиб юрган овчими, истиқлоддан халос бўлмоқ ниятида занжирларини шиқирлатаётган африкалик занжими, америкалик миллионерми, кимлигидан қатъи назар, барча яхши ниятли кишиларга эшикларимиз очиқ.

Бугун эса Ўзбекистон аталмиш улкан мамлакатнинг олиймақом делегацияси Покистонда. Кечагина биз оддий фуқаролар билан салом-алик қилишдан чўчиган юрт аҳлини миллий байрам билан қутлагани борган у. Қандай яхши!..

Ўзингизни мустақил ва эркин ҳис қилишингиз қандай яхши!..

Қулман ОЧИЛ.
(ЎзА).

ТЎЙЛАР МУБОРАК, ОҚСОҚОЛ!

● ЯНГИЛИШМАСАМ, 1967 йилнинг ёз ойлари эди. Пахтаорол районидаги (ўша йилларда бу район Ўзбекистон Республикаси таркибида эди). «Пахтаорол» совхозига «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасининг муҳбири сифатида ижодий командировкага келгандим. Ўша куни матбуотда «Пахтаорол» совхозининг ташкил топганига қирқ йил тўлиши муносабати билан ҳамда пахтачиликда эришган улкан ғалабалари учун «Пахтаорол» совхози Ленин ордени билан тақдирланганлиги ҳақида Фармон эълон қилинган эди. «Пахтаорол» совхозининг директори бўлиб ишлаб турган Жўра Хоназаровни илк бор ўшанда танигандим.

ЖЎРА ака куни-кеча редакциямизга кириб келдилар. Жўра Хоназаров — 75 ёшда! У кишининг тик қадди-қоматига, сершовқин ва аллақандай ёқимтой ҳатти-ҳаракатларига, эҳтирос ёғилиб турган жуссасига қараб бунга ишонмайсан киши. Қаршингизда девқомат, бироқ катта ҳаёт йўлини босиб ўтган йигит тургандек бўлади.

Беихтиёр йиллар ёдга тушади. Жўра ака ҳотира дафтарини титкилайди: ўн саккиз ёшида у Тошкент шаҳридаги Киров райони комсомол қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланган эди. (Дарвоқе, Собира Холдорова район партия қўмитасининг биринчи котиби эди). 21 ёшида Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби ва 25 ёшида Қорасув район партия қўмитасининг биринчи котиблигига сайланди. 35 ёшида республика қишлоқ хўжалиги вазири бўлди...

Чорак аср муқаддам мен «Пахтаорол» совхози идорасида учратганим — паҳлавон келбатли, қуюқ қошли, чакка суяклари бўртиб турган ва оддий суҳбатда ҳам эҳтиросдан кечмаган бу одам ана шундай катта ҳаёт йўлини босиб улгурган эди.

1964 йил, — деб эслайди собиқ вазир Жўра Хоназаров, — мени Марказкомга Шароф Рашидович шошилинч чақириб қолдилар. Бу суҳбатнинг тарихи узоқ, бироқ мағзи шундаки, ўша йиллари Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида Чимкент областидан ўтиб қолган бир қатор пахтакор районларнинг тақдири устида марказда жиддий баҳс борарди. Бир қатор хўжаликларда пахтачиликда эришилган марралардан чекиниш бошланган эди. Ўша йиллари марказда бўлиб ўтган катта бахсларнинг бирида қозоқ биродарларимиз айрим рақамларни ўртага ташлаб, «Пахтаорол» совхози тақдирини мисол қилиб келтиришганди. Чиндан ҳам «Пахтаорол» совхози пахтачиликда ортга кета бошлаган эди. Ана шу бахсдан Шароф Рашидович ўзига хос фойдаланиб: «Хўш «Пахтаорол»да пахтачилик тақдирини барбод қилаётганлар ким? Улар кимнинг кадрлари? Бас, шундай экан, биз ҳам ўз кадримизни қўямиз!» деган эканлар...

Жўра Хоназаров ана шундай тарзда 1964 йилда «Пахтаорол» совхозини 16 минг тонналик марра билан қабул қилиб олди. 1967 йилда совхозни 36 минг 500 тонналик пахта хирмони билан топширди. Жўра ака Пахтаоролда нафақат пахта билан шуғулланди, у Пахтаорол довруғини кўтарди, энг муҳими ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги абадий дўстлик кўпригига ҳам катта ҳисса қўшди.

Кейинчалик Жўра ака қаерда ишламасин, у айни пайтда менинг ҳам ижодий «ён дафтарим»да юрди. Уни «Главголодностепстрой»да бошлиқ бўлиб ишлаган йилларида кузатдим ва чўлқувар Жўра Хоназаров ҳақида ёздим. Кейинчалик ака чўл марказидаги бу йирик бошқармани ўз ўғли — кичик Хоназаровга топширди. Жўра Хоназаров Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба-намуна хўжалигига директор бўлиб келди.

Пахтачилик мактабидаги бой тажрибаларини ўлашиб бўлгач, Жўра ака соҳибкор боғбонлар даврасига ўтди ва Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли машҳур комбинатга бош директор қилиб тайинланди. Ушанда — етмишинчи йилларнинг охирларида Жўра Хоназаров Усмон Юсупов номли комбинатда иш бошлаган кезларида кўҳна «Халқобод» боғлари устидан вертолётда бирга учганимизни эслайман. Усмон Юсупов ташаббуси билан бунёд этилган бепоён боғларнинг оралари сийраклашиб, минг-минг гектар боғлар аянчли аҳволга тушганлигини осмондан бирга кузатгандик. Жўра ака куюнчаклик билан ёниб сўзлагани ёдимда: «Бу боғларни тикламасак, Усмон Юсуповнинг арвоҳи ради бизларни!»

Жўра Хоназаров қаерда ишлаб, қаерда меҳнат қилган бўлмасин, ўша жойларда боғ-роғлар, чаманзорлар ва бир чимдим афсоналар қолди.

— Менинг яна бир «касалим» бор, — деб қўяди табиатан шўхлигини қўймаган Жўра ака. — Мен спорт билан бирга туғилганман, спорт билан жоним чиқади...

Умрингиз узоқ бўлсин, Жўра ака! Бироқ оқсоқолнинг спорт билан ошнолиги рост. Жўра ака ишлаган жойларда ажойиб футбол командалари дунёга келди. «Пахтаорол», «Янгиер», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва «Соҳибкор» командаларини эслаш кифоя. Бу командаларнинг бешигини тебратган ана шу оқсоқол бўлади. Неча ўн йилдирки, Жўра ака Ўзбекистон республикаси Футбол федерациясининг узлуксиз раисидир.

ЖЎРА Хоназаров сўнгги йилларда Қибрай районида уруш ва меҳнат фахрийларининг раиси сифатида меҳнат қилмоқда. У мана шу масканда бундан ярим аср муқаддам район партия қўмитасининг биринчи котиби — карвонбоши эди. Карвонбоши ҳамон сафда. Оқсоқол ҳамон юрт ташвиши билан банд. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, район меҳнаткашларини улуғ ишларга сафарбар этишда ҳамон у олдинги сафда.

...Бундан бир ҳафта муқаддам Янгийўл районидаги «Тинчлик» (собиқ «Коммунизм») жамоа хўжалигида улуғ тантананинг гувоҳи бўлишга тўғри келди. Биз Ўзбекистон республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Бобожонович Умурзоқов билан Катта ўзбек трактидан ўта туриб, мана шу йиғиннинг тасодифий иштирокчиси бўлиб қолдик. Тошкент вилояти деҳқонлари Ўзбекистоннинг машҳур пахтакорларидан бири, «Тинчлик» жамоа хўжалигининг раиси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистон деҳқонлар уюшмасининг раиси, Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд ака Исматовнинг 70 йиллигини камтарона нишонлашга тўпланган эдилар...

Бу даврада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг тарихи тўпланди десак муболаға бўлмасди. Деҳқончилигимизнинг дарғалари бўлган Ҳамроқул Турсунқулов, Ҳамроқул Носиров, Чўли Бегимқулов, Турсуной Охунова, Меликўзи Умрзоқов, Абдужамил, Матқобулов, Абдусамат Тиллабоев, Абдулла Ортиқов, Бобомурод Омонов, Турғун Мирзаев, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Туроб Нормуҳамедов, Турсунбой Латипов, Жониқул Юсупов, Усар Жўраев, Турсунбой Эрназаров каби ўнлаб карвонбошилар... нинг сўнмас руҳи тилга олинди. Ўзбек деҳқончилиги довруғини оламга танитган бу муҳтарам зотлар ғойибона гўё шу даврани иштирокчилари бўлдилар.

Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Сайдалиев тантанали йиғилишни очар экан, Маҳмуд ака Исматовнинг устозлари билан бир қаторда унинг ажойиб сафдошлари устида ҳам тўлқинланиб гапирди. Шу даврадаги суҳбатдан маълум бўлдики, Тошкент вилояти ҳокимияти мустақиллик байрамининг бир йиллиги арафасида қишлоқ хўжалиги дарғаларидан бир неча кишининг тантанали юбилейларини ўтказишга қарор қилишди. Ўша программага кўра мана бугун Қибрай районида Жўра Хоназаровнинг тантанали тўйи бошланди. Навбатда академик Маҳмуд Мирзаев, қаҳрамон раислар — Сиддиқжон Муҳаммаджонов, Миразиз Рўзматов ва бошқаларнинг тантанали юбилей тўйлари турибди!

Республикада шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли ва сермазмун таржимаи ҳоли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Булар Зайниддин ҳожи Фахриддинов, Назира Йўлдошева, Қўзибоқар Синдоров, Шамси Назаров, Мусажон Шербўтаев, Хван Ман Гим, Минаввар Исоқова, Анастасия Чудная, Инобат Охунова, Азиз Эргашев, Эгамберди Ботиров, Холбуви Рустамова, Зулайхо Норқулова... Мен бу рўйхатни иштиёқ билан давом эттиргим келади. «Пахта иши» каби балои-қазолардан ким омон қолди? Ахир уларнинг қанчадан-қанча сафдошларини, қишлоқ хўжалиги дарғаларини туҳмат балоси қаддини букмадими?

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон буюк байрамга — ўз мустақиллигининг бир йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Мана бир неча кундирки, Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик майдонида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Назаримда, мустақиллик байрами шодиёнасининг қулочи янада кенгроқ бўлиши керак. Буюк байрам ифтихори ҳамма қалбларда янграб турмоғи керак. Вилоятларда, районларда, қўрғонлар ва энг чекка қишлоқларга ҳам байрам нашидаси етиб бормоғи учун нима қилмоқ керак?

Она-юрт, қучоғингни кенгроқ оч, бағрингга буюк байрам келди! 130 йиллик мустамлака, хўрлик ва аянчдан сўнг елкангга офтоб тегди. Ватандошим, неча авлодларга, боболарга, момоларга муяссар бўлмаган эрк, озодлик, ҳуррият келди. Бир марта бериладиган умрда Оллоҳ сиз ва бизга буюк бахт инъом этди! Кулсанг-чи, қувонсанг-чи, йиғласанг-чи, ахир! Буюк мустақиллик байрами шодиёнаси фақат Мустақиллик майдонида ўтадиган шодиёналардан иборат эмас. У бизнинг барча майдонларда — бир парча кулбалардан тортиб, барча қалбларда баралла янграмоғи керак эмасми?!

Ўзбекистон фахрийларининг шонли авлодидан бири — Жўра Хоназаровнинг бугун Қибрай райони меҳнаткашлари даврасида кенг нишонланаётган 75 йиллик муборак тўйи мустақил Ўзбекистоннинг қутлуғ байрами арафасида менда ана шундай туйғулар уйғотди. Тўйлар муборак, байрам муборак!

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Жўра Хоназаров ўзбек деҳқонларининг номини жаҳонга таратган дарғалардан бири.

Суратларда: 1. «Пахтаорол» совхозининг директори Ж. Хоназаров Жазоир Республикаси Президенти Аҳмад Бен Белла ҳузурида (1964 йил).

2. Ўзбекистон делегациясининг бошлиғи Ж. Хоназаров Молдавияда (1974 йил).

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ЎТДИ

Олтинкўлдаги маданият ва истироҳат боғида миллий кураш бўйича мусобақалар ўтказиш учун ҳашар йўли билан саҳна қурилди. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги арафасида бу ерда Фарғонача кураш бўйича вилоят биринчилиги очилади. Мусобақада қатнашиш учун Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжоннинг машҳур курашчилари таклиф этилган.

Спорт байрами дастурига халқ орасида ном чиқарган полвон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер, кураш бўйича республика тоифасидаги судья Маъруфжон Икромов шарафига хотира мусобақаси ўтказиш ҳам киритилганди. Олтинкўл райони спорт жамоатчилиги куни кеча М. Икромовнинг 70 йиллик таваллудини нишонлади. Маъруфжон ака кўп йиллар давомида турли мусобақаларда вилоят ва республика шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилди. У бутун бир полвонлар авлодини тарбиялаб вояга етиштирдики, уларнинг кўпчилиги Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур.

ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ НОМИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

● ЧИНАКАМ мустақиллик туфайли жумҳуриятимизда сийқаси чиқан атама ва номлар ўзгартириляпти.

Айниқса, доҳий ва инқилобчи саркардалар номи билан аталадиган жойлар, хўжаликлар фикримизнинг далилидир. Яқинда Навбаҳор районида ҳам Москва, Ленинград, Ленин номлари билан аталувчи хўжаликлар номи ўзгартирилди. Масалан Ленин номли хўжалик «Янгиқўрғон», «Москва» хўжалиги эса «Ижан» деб ўзгартирилди. Шунингдек, бошқа бир қатор хўжаликлар ҳам Соатқул Жўраев, «Учтут», «Наврўз» деб аталадиган бўлди. Шунингдек, Хатирчи районида ҳам хўжаликлар номи ўзгартирилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР

ШОЛИЗОРЛАР УЗРА ПУЛАТ ҚУШЛАР

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН шолизорлари узра самолётлар пайдо бўлди. Улар ёрдамида ўсимлик минерал ўғит билан озиқлантирилмоқда, гербицидлар сочилмоқда. Республика ҳозирча зараркунанда ҳашоратларга қарши курашнинг кимёвий усулларидан воз кечолмаяпти. Аммо бу ерда ҳам экинга ишлов беришнинг экология жиҳатидан зарарсиз усуллари қўллана бошлашига шубҳа йўқ.

Бу йил 99 минг гектардан кўпроқ ерга шоли эккан миришкорлар 300 минг тоннадан кўпроқ ҳосил кўтаришмоқчи.

БЕРУНИЙДА ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

● БЕРУНИЙ туманидаги 17-ҳунар-техника билим юрти қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси лицейига айлантирилди. Бу ерда ўқиш икки босқичда олиб борилади. Талабалар дастлабки икки йилда ҳунар ўрганса, кейинги йилларда ўрта техника маълумоти олади. Пухта тайёргарликдан ўтган мутахассислар лицейни тугатгач, ўзаро келишувга мувофиқ Тошкент олий ўқув юртларига кириши мумкин.

ЗАРГАРЛАР ТУҲФАСИ

● БУХОРО вилоят маҳаллий саноат бошқармаси қошида қимматбаҳо металлдан миллий заргарлик буюмлари тайёрлайдиган цех ишга тушди. Тошкентдаги «Орбита — Сервис» корхонаси уни зарур асбоб-ускуна ва дастгоҳ билан таъминлади. Бу ерда йигирмадан кўпроқ тажрибали заргар ишламоқда. Улар тайёрлаётган билакузук, тиллақош, тилла камар, тилла тумор сингари безаклар кўзни олади. Тақинчоқларга қўйилган муҳр унинг юқори сифатлилигини кафолатлайди. (ЎзА).

● *Воқеа арафасида*

ЎЗБЕКИСТОН АВИАЦИЯ ХИЗМАТИ СОҲАСИДА ЖАҲОН МИҚЁСИГА ЧИҚДИ

ТОШКЕНТДАН УРУМЧИГА САМОЛЁТЛАР ҚАТНАЙДИ

● Яна ўн кундан кейин «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «ИЛ-86» улкан ҳаво кемаси қўшни ва қадимий Шинжонгга йўл олади. Бу биринчи техник парвозда авиакомпания раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ва йўловчилар қатнашади. Пўлат қанотли қуш Урумчигача бўлган 1806 километр масофани соатига 900 километр тезликда 2,5 соатда босиб ўтади. Шу билан икки ўртада мунтазам қатновнинг дастлабки саҳифаси очилади. Шу муносабат билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош раҳбари Ғ. М. РАФИҚОВ мухбиримиз саволларига жавоб берди.

— Ғани Мазитович, Ўзбекистон мустақиллигининг шодиёнаси арафасида янги парвознинг бажарилиши тўйга тўёна-ку. Шундай эмасми?

— Айни муддао. Бу парвоз диёримиз халқларига эзгулик йўлида хизмат қилсин. Ўзбек ва уйғур халқлари яна тез-тез дийдор кўришиш шарафига муяссар бўладилар. Омон бўлсак жаҳон шаҳарларидаги бундай парвозлар кўп бўлади.

— Ўзбекистон—Хитой — Шинжонг авиаторлари ҳамкорликда ишлашни бошлашди. Бу, давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари ўртасида имзоланган ўзаро дўстлик шартномасининг авиация соҳасига ҳам дахлдорлигини кўрсатмоқда чоғи?

— Албатта. Шунингдек биз ўтган ойнинг охирги кунларида Тошкент — Урумчи — Пекин йўли бўйлаб парвоз қилдик. Хитой пойтахтида мамлакат авиакорхонасининг бош раҳбари Жу Пин билан икки томонлама ҳамкорлик режаларини имзоладик. Демак, яқин орада Пекинга ҳам мунтазам қатновни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

— Урумчига қилинадиган парвозда кимлар қатнашади ва бу тадбирнинг режалари қандай?

— Биринчи парвозда Тошкент аэропортининг раҳбари И. Саломов, Самарқанд аэропортининг раҳбари С. Баҳриев, авиакомпаниямиз техника раҳбари Э. Полвонов, кассалар хизмати бошлиғи А. Иноғомов, «Спутник» халқаро ёшлар туризми бошлиғи С. Ғуломова ва бир қатор йўловчилар бор. Сафар қатнашчилари Урумчида Шинжонг авиакомпанияси билан бирга ўтказиладиган расмий маросимларнинг шохиди бўладилар. Умуман бу диёрнинг очиқ кўнгил одамлари, уларнинг бизга таниш ва ўхшаш миллий урф-одатлари, гўзал табиати ва боғ-роғлари парвозимиз қатнашчиларига малзур бўлади, деган умиддаман. Сафар чоғида қадимий шаҳарнинг табаррук жойлари зиёрат қилинади.

Шундан кейин ҳафтанинг душанба ва чоршанба кунлари ҳар икки томондан самолётлар мунтазам қатнови бошланади.

— Ўзбекистон авиаторлари қўшни мамлакатнинг ҳаво йўлларини қандай ўрганмоқдалар?

— Икки ўртада тузилган шартномаларга кўра, ўзаро ҳамкорлик асосида иккита самолётимиз ҳозирда Шинжонгда ишлаяпти. Хитой граждан авиацияси тарихида биринчи марта самолёт ва авиаторлари билан мукаммал хизмат кўрсатишни биз кашф қилдик. Моҳир учувчимиз Шуҳрат Асилов бошчилигидаги 70 авиатор у ерда муваффақиятли ишламоқда. Йигитларимиз Урумчидан Пекин, Шанхай, Харбин ва Гуанжоу шаҳарларига қатнаб хитой йўловчиларига намунали хизмат қилишмоқда. Натижалар қувонарли. Демак биз авиация хизмати соҳасида жаҳон миқёсига чиқдик, деб бемалол айтаоламиз.

— Ҳозир учувчиларимиз жаҳоннинг қайси шаҳарларига парвоз қилишмоқда?

— Учувчиларимиз Жидда, Шаржа, Деҳли, Карочи, Стамбул ва Куала Лумпур шаҳарларига мунтазам парвоз қилишмоқда. 25 август куни Тель-Авив шаҳрига ҳам рейс бошланади. Ҳозирда жаҳоннинг олтита шаҳрида ўзбек миллий авиакомпаниясининг бўлимлари ишлаб турибди.

— Мустақил диёримизда халқаро алоқалар турли соҳалар бўйича ривожланиб бормоқда. Бунда, албатта аввало авиациянинг хизмати катта. Серқуёш диёримизда хорижий йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва кутиб олиш борасида қандай имкониятлар яратилмоқда?

— Тошкент, Самарқанд ва Термиз аэропортлари халқаро миқёсда ишлашга қодир тайёрагоҳлар ҳисобланади. Биз бир кеча-кундузда 16 минг 800 хорижий йўловчини кутиб олиш ва хизмат кўрсатишга шаймиз. Бунинг учун жойларда катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Пойтахт аэропортида 20 минг чет эл йўловчисига хизмат кўрсатувчи халқаро салон ҳозирланмоқда. Самарқандда эса катта самолётларни қўндириш билан боғлиқ қурилиш ишлари бошланди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири, Тошкент — Урумчи бўлажак техник парвози қатнашчиси.

ЙИЛИГА 40 ТОННА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНАДИ

● ЮГОСЛАВИЯНИНГ «Астра» фирмаси билан ҳамкорликда Қизилтепа районидаги «Зарафшон» бўрдоқичилик давлат хўжалигида замонавий колбаса цехи қуриб ишга туширилди. Жами 160 минг доллар сарфланди.

Атиги 3 киши меҳнат қилаётган бу ихчам цехда ҳар куни 200-210 килограмм сифатли колбаса ишлаб чиқариляпти. Бу цех учун тайёр маҳсулот хўжаликнинг ўзида етиштириляпти. Ҳали бу—ишнинг бошланиши. Қизилтепаликлар югославияликлар билан ҳамкорликни янада ривожлантира бориб, келгусида бу цехда 20 турдан ортиқ дудланган, қотирилган, буғланган колбасалар ишлаб чиқаришмоқчи. Цех қуввати йилига 18-20 тонна ўрнига 40 тонна колбаса тайёрлашга етказилади.

САВДОДА КУНДАЛИК РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ

● КОНИМЕХ райони марказидан уичалик олисда бўлмаган аҳоли истиқомат жойида «Наврўз» воситачи савдо дўкони ишга туширилди.

Қиймати қарийб 1 миллион сўмлик бу қурилишни райондаги кўчма механизациялашган колонна бинокорлари бунёд этишди. Ҳозир бу савдо воситачи дўконидан конимехликлар кундалик рўзғор буюмлари, кенг истеъмолдаги саноат молларини харид қилишяпти. Шу йил охиригача районнинг бошқа аҳоли пунктларида ҳам ана шундай воситачи савдо дўконларидан яна 2 таси ишга тушириладди.

ЎҒИТ ЎРНИГА ШАКАР

● НАВОИДАГИ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси иқтисодий танглик даврида кимёгарлар ва саноатчиларни тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни изчил йўлга қўймоқдалар.

Бу ўринда хориж билан мол айрибошлаш, ҳамкорлик қилиш жуда қўл келмоқда. Масалан, яқинда минерал ўғитлар эвазига Японiядан турли кийим-кечак ва консервалар олинган бўлса, энди ўғит ўрнига шакар олиш йўлга қўйилди. Шу йил бошида Хитойга кўп миқдорда аммиак селитраси жўнатилган эди. Эвазига эса минг тонна шакар олинди. Унинг 300 тоннаси бирлашма кимёгарларига тарқатилиб, 700 тоннаси шаҳарликлар учун етказиб берилди. Шунингдек бирлашма Корея Республикаси билан ҳам ана шундай мол айрибошлашни йўлга қўймоқда.

М. ШАРОПОВ.

● ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР

«ХИВА» ҚОМУСИ

Хоразм вилоятида қадимий Хива шаҳрининг 2500 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин тайёгарлик кўрилмоқда.

Қадимий меъморчилик обидаларини таъмирлаш, айримларини сифатли ремонт қилиш, қутлуғ юбилейга қарата бошқа бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш юзасидан кўпгина муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Гиламчилик комбинати ва гилам тўқиш фабрикаси чеварлари яқин вақтлар ичида тўйга атаб, Хоразм миллий нақшлари асосида совғабоп гиламлар тайёрлаб чиқаришни йўлга қўйишади. «Совға-саломлар» фабрикаси жамоаси байрам шодиёналарига атаб «Хива—2500» тамғаси туширилган бир неча юз минг сўмлик эсдалик лаганлари, гулдонлари, бошқа хил буюмлар тайёрлаб, савдога чиқаради.

Энг қувончлиси шуки, шаҳарда юбилейга атаб «Хива қомуси»ни нашр этиш мақсадида ташкил этилган, жумҳуриятимиз ҳамда вилоятимизнинг нуфузли олимлари уюшган таҳририят тарихий материаллар тўплаш, уларни саралаш ва тартибга солиш, адабиёт ва санъат, фан ва маданият арбоблари, буюк тарроҳ-наққош ва архитекторларнинг энг машҳурлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан кенг кўламда илмий ишлар, синчков изланишлар олиб борилмоқда. «Ўзбекистон қомуси» бош таҳририяти мутахассис олимлари бу муҳим китобнинг яратилишига яқиндан ёрдам беришяпти.

Э. МАДРАҲИМОВ.

МУХБИРЛАРИМИЗ ВИЛОЯТЛАРДАН ЁЗАДИЛАР

ХЎЖАЛИКДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

● МАВСУМНИНГ айни қизғин палласида Жондор районининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида консерва цехи ишга туширилди.

Цех ёз ойларида 1,5 миллион банка сервитамин маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бу райондаги йирик консерва цехидир. Бундан бир неча йил муқаддам италияликлар билан ҳамкорликда район марказида қурилган консерва заводида эса янги линия ишга туширилди. Эндиликда заводда нафақат томат пастаси, балки турли шарбатлар ҳам ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Янги линиянинг ускуналари МДҲ шаҳарларида ишлаб чиқарилган.

Н. НАИМОВ.

АНДИЖОН—ХИТОЙ АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРИ

Олтинкўл районидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси хитойликлар билан алоқа боғлади. Корхона бош директори Қўзибой Сарибоев, мўйначилик фабрикасининг устаси Абдуқаҳҳор Рустамов, Ўзбекистон савдо уйининг бош директори Мирафзал Мирсоатов ва бошқалар Хитой Халқ Республикасининг Хайтун Изянь вилоятига қарашли Хейхо шаҳрида бўлдилар. Уларни Хейхун компаниясининг бош директори Сон Шиню кутиб олди. Шаҳар саноат компаниялари билан бўлган давра суҳбатида иқтисодий ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

— Шартномага асосан, биз хитойлик ҳамкасбларга 2 минг тонна линтер пахта етказиб берамиз, — дейди Қ. Сарибоев, — Улар бизга мўйначилик хом ашёсини қайта ишлайдиган технологик линия берадилар ва уни ўрнатиш, ишлатишда кўмаклашадилар.

Шунингдек, мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш юзасидан ҳам шартнома тузилди. Келишувга мувофиқ, биз томондан қурилади-ган корхона коммуникация иншоотлари, электр қуввати, ишчи кучи билан таъминланади. Шериклар технологик жиҳозларни ўрнатишади, мутахассислар тайёрлаб беришади.

Шартнома ўн йил муддатга имзоланди. Унга кўра, олтинкўлликлар шу йилнинг охиригача Хитойга ваъда қилинган линтер пахтани жўнатадилар. Хитойликлар ёрдамида эса Андижонда мўйначилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилади. Хуллас, бу ҳамкорлик келгусида катта самара бериши аниқ.

А. ҚУРОНБОЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

УртаОсиёТранс

"ЎРТА ОСИЁ ТРАНС"

"CENTRAL ASIA TRANS"

ЮКЛАРНИ ТЕЗ, ИШОНЧЛИ, СИФАТЛИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ТЎЛА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Биз сизнинг юкингизни Осиё ва Овропанинг ҳар қандай жойига етказиб берамиз.

Биз буни қисқа вақт ичида арзон баҳоларда амалга оширамиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш учун сизнинг ихтиёрингизга «Камаз»лар, мерседеслар, рефрижераторларни ҳавола этамиз.

БИЗ СИЗ УЧУН ИШЛАИМИЗ!

Бизда Осиё ва Овропадаги қатор транспорт фирмалари билан шартномалар тузилган. Сизнинг юкингизни Венадан Истамбулга, Пекиндан Ослога, ёки ер шарининг ҳар қандай нуқтасига қулай тарзда етказиб беришни ташкил қиламиз.

БИЗНИНГ ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ ИШЛАШИМИЗ СИЗДАГИ МАВЛАҒЛАРНИНГ АЙЛАНИШ ВАҚТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ.

Биз Тошкентда ўзимизнинг юқори унумли юк ортиш ва тушириш техникаси билан таъминланган терминалимизга эгамиз.

Ташкилот ва алоҳида фуқароларнинг буюртмаларини бажарамиз.

Икки нуқта (жой) оралиғидаги ҳар қандай масофа «ЎРТА ОСИЁ ТРАНС — SENTRAL ASIA TRANS» орқали босиб ўтилади.

Сизнинг таклифларингизни қуйидаги манзилгоҳда кутамиз: 700077, Тошкент, Буюк ипак йўли, 75, 116-хона.

Телефонлар: 68-92-74, 68-72-09.

Факс: 687477.

Телекслар: 116122 ATLAS SU 336115 TORG SU

ХУШХАБАРЛАР

Самарқанд аэропорти таъмирлана бошлади. Бу ерда бир ой давомида қарийб тўққиз миллион сўмлик иш бажарилади. Москвадаги «Аэропорт» илмий-тадқиқот институти ходимлари таъмирлаш ишлари қандай бажарилаётганини назорат этиб турадилар.

● ● ●

Андижон районидаги таъмирловчи заводи жамоаси автомашина арвачаларини ишлаб чиқара бошлади. Йигирма тормоз тизими билан жиҳозланган бу арвачалар ярим тоннагача юк тортиб олади. Бу ерда кичиктойлар учун уч ғилдиракли велосипед чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

[ЎзА].

Ким ўзарга...

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

● Спорт

БИРИНЧИ БЎЛДИ

● ЛОНДОНДА профессионал велосипедчиларнинг халқаро турнири бошланди.

Буюк Британия йўллари бўйлаб давом этаётган бу мусобақанинг иккинчи босқичида тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов юзлаб спортчилар орасида тўққизинчи ўринни эгаллаган эди. Пойгачимиз учинчи босқичда маҳорат кўрсатди. У 166 километрли масофани тўрт соат, 36 минут 41 секундда босиб ўтиб, ғалаба қозонди.

МАЙДОНДА ЯНА НАВБАҲОРЧИЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН миллий чемпионатининг олий лигасида куч синашаётган наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари мухлисларни қувонтиришга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

«Навбаҳор» футболчилари собиқ «Пахтакор» жамоаси хотираси учун ўтказилган анъанавий мусобақада маҳорат кўрсатдилар. Улар саралаш учрашувларини ҳужумкорлик билан ўтказиб, финалга йўлланма олишди. Ҳал қилувчи учрашувда эса «Косонсойчи» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритдилар. Навбаҳорчилар бугун яна майдонга тушадилар. Улар Ўзбекистон кубоги учун ҳал қилувчи учрашувда куч синашадилар.

ОЛИМПИАДА ҚИММАТГА ТУШГАНДА

● БАРСЕЛОНА олимпиадаси мусобақаларидан кейин Мексика спорт вазири Рауль Гонзалес мушкул аҳволга тушиб қолди.

Маълум бўлишича Мексикада кейинги уч йил мобайнида спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга 115 миллион, олимпиадачиларни тайёрлаш учун 75 миллион доллар сарфланган экан. Бу кейинги 18 йилда сарфланган барча маблағлардан кўплик қилади. Зеро, мексикалик спортчилар олимпиада мусобақаларида самарали ҳаракат қилишолмади. Улар бор-йўғи битта кумуш медалли бўлишди. Спорт вазири эса истеъфога чиқмоқчи эканлигини очиқ тан олмоқда.

«САФАР—БЕХАТАР» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Парижга саёҳат 20 октябрдан — 5 ноябргача. Тошкентдан Калининград ҳамда Сопотгача поезд билан (2 кун). Ундан кейин энг яхши жиҳозланган автобусда Польша, Чехословакия, Олмония орқали (йўлларда тўхташ билан) Парижга. Парижда 4 кун (3 кеча) қизиқарли экскурсия программаси уюштирилган. Қайтиш автобус билан Сопот шаҳридан Калининградгача.

Нархи — 300 АҚШ доллари +10 минг сўм.

Голландияга автомобиль хариди учун шу йилнинг 28 октябридан. Тошкентдан Киевгача поездда, Киев шаҳрида бир кун дам. Киевдан энг яхши жиҳозланган автобусда Польша, Олмония, Гаага орқали Голландияга. Голландияда меҳмонхонада турилади. Икки маҳал овқатланиш, қизиқарли экскурсия программаси ташкил қилинган. У ерда машина олмоқчи бўлган туристларга фирма ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Нархи — 230 АҚШ доллари +13400 сўм.

Энг арзон йўлланма нархи Польшага:

1. Львов—Жешув (поездда —3 кеча) 3 кун, Жешувдан автобусда қайтилади.

Нархи — 6 АҚШ доллари +4500 сўм

2. Калининград—Гданьск (поездда) — 4 кеча (3 кун).

Нархи 6 АҚШ доллари + 4975 сўм.

Ҳар ойда Малайзия, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой, Туркия, Эронга саёҳат учун йўлланмалар сотилади.

Шахсий дам олувчилар учун Дагомис шаҳрига сафар уюштирилади.

Ишбилармон кишиларга Москва, Киев шаҳарларида комплекс хизмат кўрсатилади.

Тижорат структурасида ишловчилар учун ҳамма мамлакатлардаги ишбилармонлар билан шартномалар тузиш уюштирилади.

Манзилгоҳимиз: 700133, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 60-уй.

Телефонлар: 78-57-54, 78-30-22.

СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

● Фельетон

● Кунгабоқарга ҳеч разм солганмисиз? У фақат кунга боқади. Шунинг учун ҳам номи кунгабоқар. Чайқовчи билан олибсотар ҳам унга ўхшайди. Лекин улар кунга эмас, бирн бирига боқади. Тўнини терс кийса бас, калтакесакдек турланади-қўяди. Ҳозир биз шундай учар чайқовчи-олибсотарларни ишбилармон, тадбиркор деб мақтаяпмиз. Аслида бу ниқоб остида кимнинг дўпписи кимга кийгазилаётганини унча-мунча одам билолмайди ҳам. Айниқса, тижорат дўконларида... Бу тижорат деганнинг ўзи бор, кети йўқ. Еки аксинча. Аслида эса бошсиз чавандозга ўхшайди. Эгаси йўқ. Биласиз, эгасиз жой—қаровсиз жой, ким нима қилса қилаверади...

ТИЖОРАТ ДЎКОНИДАГИ ҚОТИЛЛИК

ТОШКЕНТДАГИ тижорат дўконларида нима бўлаётгани билан яқинда газетамиз орқали танишдингиз. Ит эгасини танимайди. Имон, эътиқод, инсоф деган нарса йўқ. Ҳаммаси пул билан ўлчанади, виждон ҳам пул, диёнат ҳам пул. Наҳотки, биз пулга шунчалар сажда қилсак? Тўғри, бир аллома айтган эди, агар кишида олтин қанчалик кўпайса, саҳоват шунчалик камаяди, у аста тубанлашиб боради.

Хўш, бошқа вилоят, шаҳарларда-чи? Тижорат нима бўляпти? Маълум бўлишича, аҳвол бундан бешбаттар. Тижорат дўконлари худди суваракдек болалаб кетганки, ҳатто қишлоқларни «забт» этиб, одамларни гоҳ домига тортиб, гоҳ «пуфлаб» турибди.

Дарвоқе, яқинда Фарғонада бўлди қиёмат...

Ҳа, нима дейсан Олтиариқ районидаги Юксалиш қишлоғида антиқа тижорат дўкони очилибди. Бу дўкон бир зумда Олтиариқнинг бодрингидек ҳамма ёққа маълум ва машҳур бўлиб кетди. Ҳа, энди дўконда пиво-ю вино, ароғу чет эл вискиси бўлгандан кейин, ниқиқбозлар ҳам, айниқса ёшу яланглар асаларидек ёпирилиб келаверади-да.

Ичиб олгандан кейин биласиз, кекирдагини чўзувчи жўжахўрозлар кўпаяди. Кўксига мушт уриб, мен билан гаплашадиган эркак борми? — дея даҳанаки жангга ўтади. Қани, биров мушугини «пишт» деб кўрсин-чи, нақ томоғидан олади. Тавба, ичкилик хўб қизиқ-да, шишада жим турса, одамнинг ичида жим туролмайди. Бир донишманднинг айтишича, арақ кишини тўрт куйга солади. Уни ичган замон киши гердайиб, товусга ўхшаб, саллона-саллона қадам ташлайди. Бир оздан кейин маймун бўлиб, ҳаммани кулдиради. Кейинроқ шер бўлиб атрофдагиларга ҳамла қилади. Охири чўчқа бўлиб ботқоққа беланиб ётади...

Бу гапларнинг тагида олам-олам маъно бор. Аксарият жиноятлар ана шу «киттак-киттак»лар оқибатида, кайфчилик устида содир бўлаётгани сир эмас.

Ўша куни ҳам шундай бўлди. Маст-аласт жўжахўрозлардан иккиси — М. билан Т. (ҳозир тергов ишлари олиб борилаётгани учун исм-шарифларини тўлиқ келтирмаяпмиз) ёқа бўғишиб қолди. Кўплар хусусий тижорат дўкони эгасини тартибга чақириш тўғрисида оғиз кўпиртирар, ўзини кўрса писиб қолар, аксинча «ҳа, зўр-ку!..» дея бош бармоғини кўрсатиб мақтарди. Бу ерда бўлаётган ҳангомалар на милиция ходимларини, на қишлоқ Шўросидаги мутасаддиларни ва на район ҳокимлигидагиларни қизиқтирарди. Дўкон эгасига «Ҳой, сен бу ерга нега дўкон очдинг. Ахир спиртли ичимлик сотишнинг ҳам вақти-соати бор!» дегувчи биринкки мардга у: «Акаси, буёғи бозор иқтисодиёти, тижорат қиляпмиз, чидасангиз олинг, эркин савдога тўсқинлик қилманг, бўлмаса-а...», дея дағдаға ҳам қиларди. Охир-оқибат мана бўлди фожиа...

Улфатлардан бири обдон ошиб қолди. Кайфи тароқ, Оғзига боди кириб, шоди чиқарди. Бир-бирининг иззат-нафсига обдон тегишди, сўнг бўғишди. Охири М. Т. нинг бўғзига пичоқ тортиб юборди. У шу ерда тил тортмай ҳаётдан кўз юмди...

Фожиа жамоатчиликни сергаклантирди. Дўппини бошдан олиб бундай ўйлаб қаралса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарсани қилиш мумкин, деб ўйлаётганлар чучварани хом санаётгандек кўринади. Хусусий тижорат дўкони бу — кўнглимга келган ишни қилавераман деган сўз эмас. Одамлар орасида яшайсанми, демак инсонийлик масъулияти бор. Қолаверса, шаҳар бедарвоза эмас. Тўғри, шу кунларда Фарғона вилоятидаги катта йўл ёқаларида юзлаб ҳусусий дўконлар чучмомадек очилган. Уларнинг аксарияти халқ учун зарур молларни етказиб келяпти. Аммо нархи чақиб олади. Айниқса, оддий деҳқоннинг яқинлашиши қийин. Минг афсуски, йўл бўйидаги ана шундай дўконларда кечалари очиқдан-очиқ спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганлар кўп. Айниқса, ёш ўсмирлар бундай жойларга ин қуриб олишган. Охир-оқибат бу ҳол кўпгина тартибсизликлар келтириб чиқармоқда. Саёқ юрганлар орасида ёшлар туни билан ичиб, кайф устида бирор бир жиноят қилмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам тартиб-интизом бўлиши керак ахир, — дейди Олтиариқ район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори А. Қундузов. — Ҳеч кимдан рухсатсиз йўл ёқаларига аллақачондан олиб келинган арақ, вино, пивони пуллаётган шахслар жиноятчиликка йўл очиб бермоқдалар. Биргина бизнинг районимизда ўтган йили содир этилган жиноятларнинг умумий сони 142 тага етди. Шу йилнинг 6,5 ойи давомида эса 169 марта жиноят содир бўлди. Оғир жиноятлар ўтган йили 8 та эди. Бу йил 60 тадан ошди. Спиртли ичимлик ичиб, турли жиноят устида қўлга тушаётганларнинг сони-саноғи йўқ. Майда безорилик эса кўпайиб кетди...

Хўш, бундай аянчли аҳволни тартиб сақловчилар ўнглай олмаса, ким эпақага келтиради? Ўзи районда ҳокимият борми? Фарғонадачи? Одамлар бекордан бекорга ўлиб кетаверадими? Ярани газак олмасдан тузатган маъқул.

Тўғри, бунинг кўпгина ижтимоий-иқтисодий сабаблари ҳам бор. Аммо, кеча-ю кундуз хусусий тижорат дўконларида спиртли ичимликлар билан савдо қилинаётганги жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келяпти. Ахир бунга кимлардир чек қўйиши керакми?

Ушбу фельетон ёзилаётганда Олтиариқ район ҳокими махсус қарор орқали тижорат ишлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар, хусусий ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи дўконларда спиртли ва тез айниядиган ичимликлар билан савдо қилишни таъқиқлаб қўйганлиги маълум бўлди. Махсус комиссия фақатгина етарли шарт-шароитларга эга бўлган, назорат ташкилотлари қоидаларига риоя қиладиган дўконларгагина шундай ҳуқуқни беришга қарор қилди...

Аммо афтидан бу қарор район ҳудудида ҳам тўла бажарилаётгани йўқ. Қарор ижроси қаттиқ назоратга муҳтож. Албатта, тижоратнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Унга риоя қилингандагина тижорат халқнинг юкини енгил қилади. Акс ҳолда бундай тижоратнинг кимга кераги бор?

Алишер ИБОДИНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбирлари.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР.

● ҚУҚОН МУҲТОРИЯТИ.

● МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН: «ҲИЕНАТ»ГА АКС-САДО.

● «ШАҲАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН).

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича

профессор—ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: биологик кимё (фан доктори); олий ва амалий математика;

доцентлар: органик кимё, аналитик кимё, фармацевтик кимё (2);

катта ўқитувчилар: олий ва амалий математика (2), фуқаро мудофааси курси;

ассистент — олий математика.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ок... кўчаси, 45-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент кимё-технология институти жамоаси Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси профессори Б. Э Муҳамедовга онаси

Мукаррам МУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати—33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда—6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана»)—общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—281.
№ 160.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.